

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

8 май, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 101 (1618)

ЧЕТДАН КЕЛТИРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

«Наманган шойи ишлаб чиқариш» акционерлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулот тури яна биттага кўпайди.

Бу ерда Швейцариянинг «Карач» фирмаси жиҳозида «Дублирин» деб номланган астарлик газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу — йилга қарийб уч миллион метр астарлик газламага эҳтижи бўлган республика тўқувчилик саноати корхоналарида дублиринга бўлган талабни бир мунча қўндирди. Акционерлик жамияти ана шу йилда қўндирди. Газлама ишлаб чиқариш ниятида. Демак, энди бу газламини республика ташқарисидан келтиришга ҳожат қолмайди.

ПРЕЗИДЕНТ УРУШ ФАХРИЙЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



7 май куни Президент Ислам Каримов иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан бир гуруҳини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари улар сиймосида мамлакатимизнинг шахар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчиларини, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кишиларни, барча Ўзбекистон халқини Галаба байрами билан қутлади.

Биз галаба куни арафасида уруш қурбонларини, жигаргўшаларини фронтга юборган ота-оналарни, уруш туйғайли берган-есир бўлиб қолганларни, фронт ортида меҳнат қилиб, галабани яқинлаштиришга ҳисса қўшганларни чуқур эҳтиром билан эслаймиз, деди Президент. Сизлар ана шу авлоднинг вакил-

лари сифатида жаҳонни фашизм вабосидан қутқариш учун кўксингизни қалқон қилиб курашгансиз. Буни келгуси авлодлар, тарих ҳеч қачон унутмайди.

Юртбошимиз бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимизга фаровон турмуш яратиш бериш борасида қилинаётган сазой-ҳаракатлар ҳақида сўзлар экан, бу ишларга фахрийлар улкан ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақида тўхтади. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом авлод учун» дастури ёшларимизни ҳам жамонан, ҳам маънан баркамол кишилар қилиб тарбиялашни кўзда tutади. Чунки маънавий ва моддий бойлик уйғунлашган жамиятгина фаровон бўлади. Шу маънода, ёш-

ларни ҳаётга тайёрлаш борасида фахрийларимиз катта ишларни қилиши мумкин.

Қариларни эъзозлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг муҳим вазифасидир, дея таъкидлади Президент. Ўз навбатида фахрийларимиз ҳам юртимиздаги тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, жойларда соғлом муҳит барқарор бўлишини таъминлашда ёрдам беришлари зарур. Бунда уларнинг ҳаётий тажрибалари қўл келади. Ёшлар ва омма онгига мустақиллик ғояларини, у берган неъматлар моҳиятини синдириш, Ислам дини ва Шарқ фалсафасини тўғри тушутириш, юрдошларимизда ҳаё, орномус туйғуларини тарбиялашни ҳам ҳурматли қарияларимиз ўзларининг

муқаддас бурчлари деб биладилар.

Учрашувда сўзга чиққан уруш фахрийлари ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик билдирдилар. Мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама комрон авлодни тарбиялаш, халқимизнинг бундан-да ёруғ кунларга етишуви йўлида сидқидилдан меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Учрашувда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст қатнашди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: учрашув пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

«ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ, ОИЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Замон бизнинг зиммачиганки, давлат, жамият ва оила билан бирга мустақил тузум қолдирган оғир асоратлардан халос бўлган, юксак маърифатли, улкан салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифани юклайди.

Бугунги анжуманда фарзандларимиз тарбияси ва таълими, бинобарин, миллат ва Ватан келажаги, тақдирини хусусида сўз борди.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила — жамият асоси, маҳалла — миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда зукко йиғилар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар уялади.

Халқимиз фарзандлари ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч қимдан қолишмайди. Уларнинг томирлари инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улугбек Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг қони жўши урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрига, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, Ватанинг мard ва фидойий фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш бериш, эзу ва улғу мақсадларга йўналтириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Қадри анжуман қатнашчилари!

Сизларга ва сизлар орқали барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, давлат, жамият ва оила-онанинг бурчи фарзандларини соғлом ўстириш, вояга етказиш, умумий билим бериш билангина чекланмайди. Уларга энг замонавий касб-хўнар ўргатиш ва, энг муҳими, уларнинг ҳаёт синовларига мардона бардош бериш, турмуш гирдобларини ишжўрат билан енгизиб ўтиб, келажакда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун имконият яратмоғимиз даркор. Мана шу ўта мураккаб ва долзарб масала бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи мезонидир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликларини рўй-рост кўриб турибмиз. Биз учун инсонларни бир-бирдан ажратадиган, ижтимоий тафовутларни кучайтирадиган бозор муносабатлари эмас, аксинча, меҳру оқибатга рағбат берувчи маърифатли бозор муносабатлари мақбулдир. Шахс маънавияти, жамият маънавияти масалаларини энг долзарб иқтисодий муаммолар билан баробар ва балки улардан ҳам устун қўйишнинг ҳал қилувчи мезонидир.

Ишончим комилки, анжуман бугун ўртага ташлаётган муаммоларга амалий жавоб беради. Ёш авлод тарбиясига дахлдор ташкилотлар фаолиятига янги мазмун, куч ва рағбат бағишлайди.

Анжуманингиз ишига муваффақият тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислам КАРИМОВ.

УШБУ СОҲБА:

3-бет

ҚОВУН ЭККАНИ... АМЕРИКАГА

ЮЗ ОҚДИ БАҲОР ЭИДА

4-бет

КУЧАИ САККИЗЛИК АНИКЛАНДИ

МСБЕ ЖЕЛАДУ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

МСБЕ ЖЕЛАДУ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ СИРИ

Сир эмас, бирон-бир вилоятда сессия бу рўқда ўтмаган, жойлардаги ишдан Президентимизнинг кўнгли тўлмаган. Андижонда эса бунинг акси бўлди. Ислам Каримов вилоят аҳлининг янгликка ўч, ориятли, сазий ва меҳнатсевар эканлигини эътироф этиб, Андижон мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишида беқиёс ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида «УДЭВавто» автомобиль заводидан ташқари вилоятда ўнлаб йирик саноат

корхоналари ишга тушган. Санобат маҳсулоти ҳажми 1,7 баробар ошган. Пахтачиликда янги технология яратилган. Бу

йил андижонликлар бошқа вилоятларга 200 миң тонна юқори навли урулук бугдой еттиштириб беради...

Сессия жуда самимий, шуккуйи ўтди. Утирганларнинг ҳам, сўзга чиққанларнинг ҳам чехраси очик эди. Бектиёр бизда бу меҳру-оқибатнинг асосларини бериб ўз кўзимиз билан кўриш нияти туғилди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ АЛОҚАЛАРИ

ТАСАВВУРИМ БУТКУЛ ЎЗГАРДИ

дейди Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар гуруҳи раиси Фелипе Камисон Асенцио

Европа парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи бугун ниҳоятда муваффақиятли бўлди. Европарламент вакиллари сафар давомида Олий Мажлисда бўлиб, унинг Раиси Эркин Халилов томонидан қабул қилинган, кўнгли раислар билан суҳбат, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Делегация аъзолари мамлакатимизда демократик жамият барпо этиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан ҳам қизиқдилар. БМТ ваколатхонаси, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бюроси, АҚШ элчихонаси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўлими (омбудсман) вакили, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда бир қанча жамоат ташкилотлари бошлиқлари билан мулоқотда бўлидилар. Шунингдек, Темурийлар даври тарихи давлат музейини томоша қилдилар. Меҳмонлар шарафига Алишер Навоий номи театрда спектакль намойиш этилди. Мухбиримиз ташриф ниҳоятда Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар гуруҳи раиси Фелипе Камисон Асенцио билан суҳбатлади.

— Сиз бошчилик қилаётган делегация ҳозиргина Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий марказида бўлиб, ўзаро мулоқот қилди...

— Ҳа, бу бизнинг энг сўнгги мулоқотимиз, учрашувимиздир. Ана шу мулоқот, учрашувлар давомида жуда кўп воқеаларнинг жонли гувоҳи бўдим. Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларим буткул ўзгарди. Мамлакатимизга келмасдан аввал, рости, мутлақо бошқача тасаввурда эдим.

Ўзбекистон ёш, суверен мамлакат. Унинг мустақил фаолият юргизаётганига энг динга олти йил тўлапти. Шу бос мамлакатимиз айни пайтда ўтиш даври — бозор иқтисодиёти ҳамда демократик жамият қуриш

жараёнини бошдан кечирмоқда. Дастлабки қадамлар, сазой-ҳаракатлар яқин натижалар бераётганига, албатта, қувонарли ҳоҳдир.

— Европа Иттифоқи, жумладан, Европарламентнинг Ўзбекистонга бўлган муносабати ҳақида нималар дея оласиз?

— Европарламент мамлакатимизга катта қизиқиш билан қармоқда. У янада яқин алоқалар ўрнатиш таърифдордир. Алоқаларимиз бундан кейин янада кенгайди, фойдаланди, деб умид қиламан. Биз нафақат Ўзбекистон ҳукумати, балки унинг халқи билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамыз.

— Сиз таъкидлаётган алоқалар, асосан, қайси йўналиш ва соҳаларга қаратилган?

— Алоқаларимиз кенг қамровли бўлиб, уни сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳаларга ажратиш мумкин. Бизни табиийки, демократик жамият қуриш йўлидаги сазой-ҳаракатлар ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масалалар кўпроқ қизиқтиради. Мазкур соҳаларда мамлакатимизда талай ишлар қилинган ва қилинаётганининг гувоҳи бўдим. Конституциявий суд тизими жорий этилиши, Омбудсман тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Буларни ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамият қуриш сари қўйилган тўғри ва сазомоққа қадамлар сифатида баҳоламоқ лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ф. Ф. ТЕШАБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯНИНГ БИРЛАШГАН КИРОЛЛИГИДАГИ ФАВКУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фотих Фуломович Тешабоев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Кироллигидаги Фавкуллодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 7 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Республика корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг аҳолини яхшилаш, тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига йўл қўймастик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР қилди:

1. Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. Қуйдагилар ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш бўйича амалдаги қонунчилик нормаларига қатъий риоя қилиниши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

республика корхоналари ва ташкилотларининг тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар механизминини такомиллаштириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

корхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги аҳолини ўрганиш, тўловга қодир бўлмаган истеъмолчилар ва бюртмачиларга маҳсулот берилишига, ишлар бажарилишига ва хизматлар кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги устидан назорат ўрнатиш;

корхоналар ва ташкилотларнинг айланма маблағларини четга жалб қилиш, шу жумладан, тайёр маҳсулот захираларига, тугалланмаган қурилишга жалб қилиш сабабларини ва йўналишларини таҳлил этиш ҳамда уларни қисқартиришга доир тақлифлар тайёрлаш.

3. Ҳукумат комиссиясига қуйдаги ҳуқуқлар берилсин:

вазирлиқлар, идоралар, банклар, хўжалик уюшмалари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳоли масалалари бўйича ҳисоб-китобларини эшитиш ҳамда тегишли органларга ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибини бузаётган мансабдор шахсларни маъмурий, жиноий ва қонунда назарда тутилган бошқа қилдир жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлифлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ҳукумат комиссияси ўн кун муддатда ташкилий мажлис ўтказсин, 1997 йилги иш режасини ҳамда минтақавий комиссия тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

Ҳукумат комиссияси мажлислари ойига камида бир марта ўтказилсин ҳамда қилинган ишлар тўғрисида республика ҳукумати ҳар ойда хабардор қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир У. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 7 май.

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

1. ЯРАТИШ ТУЙГУСИ

Агар, Захирдин Мухаммад Бобур ҳаёт бўлганида ва киндик қони томган юртга қайтиб келганида, уни жаннатга тенг гўшага айлантириб қўйган юртдошлари билан, шубҳасиз, ифтихор қилар эди. Йўқ, биз бу-гун адирилардаги бог-роғлар, бир пуштага беш хил экин экиб, галма-гал ҳосил олаётган миришкорлар, нанки кўчаларга, пайкалларга ҳам фазл киритиб турган саранжом-сариншта-лик, умуман меҳри йитган она каби замин дехқонга саховат кўрсатётгани ҳақида эмас, балки Ватанга муҳаббат, кўнгилга шукӯҳ бахш этувчи яратувчилик туйғуси ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Анджон шаҳридан икки қадам нарида бир ҳўжалик бор. Бу ерга йўлингиз туша, ўзин-гизни биронинг уйига қариб қолгандек ҳис этасиз. Кун ботиш тарафга топ-тоза яншиқлар териб қўйилган. Ундан нарида -- парник. Уртдан ариқ оқиб ўтган. Ариқ устида -- сўрилар. Буракча телевизор қўйилган. Кунчиқ ш тарафда -- шийпон. Шийпонга туташ кўркам уй. Гўлзор атрофида болалар ўйнаб юришибди.

-- Усоналони ота Курбоннинг ҳўжалиги шу, -- дея изоҳ берди журналист Иброҳим Сотиболдиров. Пичадан сўнг отанинг ўзи ҳам кумушранг «Нексия»га саҳнага кириб келди, сўрашди. Журналист:

-- Оқсоқол плёнка устида қарам етишти-риптилар, -- деди.

Биз ақинда Сурхондарё, Навоий вилоят-ларида бўлган, плёнка остига экишинг ноўнғайлиги, гўза-нинг қўлогидан ушлаб туйнук-дан чиқариб қўйишгаётгани ҳақида эшитган эдик, шунинг учун ҳам экишинг бу турига кўнгилда шубҳа йўқ эмасди. Шу бонс, -- Яхшиси, -- дедик, -- бориб, шу ишларни ўз кўзимиз билан кўрайлик!

Оқсоқол йўл бошлади. Йўлнинг икки тарафи тут-зор. Ариқ. Икки қарич уватта терак экилган. Ва ундан нари -- пайкал. Помидор гулга кир-ган. Бир тараф -- қарамзор. Бошқоқдан галла одами яши-раман дейди. Пуштадаги бодиринглар ҳам кўзни қувонтиради.

-- Ҳосилдорлик қандай? -- Шахсан мени гектар бошига олинди-ган миқдор эмас, балки ундан келадиган даромад қизиқтиради, -- дейди оқсоқол. -- Бул-тур ярим гектар ерга плёнка устига помидор, қарам эдик. Ҳосил оладигандан бир ярим баробар зиёд бўлди. Бу -- бир, иккинчидан -- у ўн беш кун эрта етилди. Бунинг ҳосия-ти бор, ука, сиз ноз-неъматни бир ярим, икки баробар қимматига сотасиз. Фақат қарам, бод-ринг ва помидорни сотиб, қилган нақд даро-мадимиз 3 миллион 341 минг 811 сўмини таш-кил этди.

2. «ЕРДА ИЗИНГ ҚОЛСИН!»

Ҳўжаликнинг 41 гектар ери бор, шунинг 20 гектарига 23 февраль кўни қарам экилган. Шундан кейин агар икки даража совуқ туш-са, ниҳолларни совуқ уриб кетиши керак эди, лекин олти даража совуқ бўлганда ҳам қарам-га зиён етмади. Чунки у плёнка устига экил-ган эди.

Бу дегани шукки, пушта олиб унга плёнка қоплаш олдидан ерга ўнгит ташланган, кейин унинг муайян жойларига ниҳол қалаб чиқилган, қарамнинг теварагига гўнг солин-ган ва шу тарзда туйнук етилган. Бегона ўтлар пуштада униб чиқиб, ҳаво йўқлиги боис кўриб-қоқираб ётибди. Пуштани чопиқ қилиш, экинга ишлов бериш шарт эмас. Фақат культивация қилинади, холос.

Исиқда ер қизийди, пуштадан кўтарилган нам плёнкага ўтириб қолади, кечаси эса яна у тупроққа сингади, бундай далаларда очиқ майдонга нисбатан фойдаланиш зарурат тўрт-беш даража юқори бўлади, шунинг учун ҳам ҳосил эрта етилади.

-- 46 минг туп қўчат экканмиз, -- дейди

чиннидай тоза. Болалар бочасини айтмайсизми. Кичкинтой-лар учун барча қўлайлик мўҳайр. Таъминот-ҳўжаликнинг гардиани. Шунда беҳитиёр ай-рим ҳўжалик ва туманлар хаёлингиздан кечади.

Қизирқ туманида 25 та болалар бочаси бўлиб, ҳозир шунинг атиги 9 таси ишлаётир, холос. Наҳот улар Усоналони отанинг митти ҳўжалигичалик имкониятга эга бўлишмасе?! -- Одам боласи фақат ўзи учун яшамаслиги керак, -- дейди оқсоқол. -- қўлингдан келса, бошқаларга, ҳуеусан, жамиятга нафинг тегсин. Ерга изинг қолсин.

Усоналони Курбоннинг ўшаган кишилар Анд-жонда оз эмас. Шаҳрихонлик Фозилжон Иброҳимов ҳам ана шундайлардан. Уни «Най-наво» жамоа ҳўжалиги раислигига сайлашгани-га кўни кеча роппа-роса уч йил тўлди. Уч йил-да эса бир дунё иш қилинди: юз минг туп терак экилди, иккита ҳаммом, колхоз бозори қурилди. Сочик, оҳақ, асфальт, гишт ишлаб чиқарувчи цехлар, пишган гишт тайёрловчи за-вод ишга туширилди. Бултур эса ҳўжалик ат-лас тўқувчи фабрикани ҳам сотиб олди.

Албатта, бунинг учун озмуна маблағ сарф-лангани йўқ. Маблагнинг ораси эса -- меҳнат.

3. ТИНИБ-ТИНЧИМАЙДИГАН ОДАМЛАР

Пахта ҳосилдорлиги ўтган давр ичида йигир-ма центнергача ўси. Бу йил чигит деярли ялпи майдонга плёнка остига экилди, яхши ният бил-дан 45 центнердан ҳосил кўтариш чамалаб қўйилган.

Анджонликларнинг ҳафсаласига тан бермай илож йўқ; ҳар бир пайкал бошига махсус тахта-

Бултур ҳўжалик 90 миллион сўм даромад қилган. Хом чўт қилишларица, бу миқдор бу йил 130 миллион сўмдан ошиб кетаси.

Иван Буниннинг «Бернар» деган ҳўжаси бор. Адиб унда денгизчи ҳўжада ҳикоя қила-ди. Қўндалик ишига садоқат Бернарнинг қон-қонига сингиб кетган. У ҳатто, ўлимидан аввал ҳам бориб кемасини ювиб-артади, иш-дан кўнгли тўлғаб, армон билан денгизга термулади...

У бир инсондай яшаб ўтди, дейди Бу-нин.

Инсондай яшаш деганда эса даставвал яра-тувчилик иши ҳаёлга келди. Дунёдаги етти мўъжизани ҳам инсон яратган. Узоққа бор-майлик, Самарқанду Бухородаги осори атиқалар, Миср эҳромлари, Эйфель минора-си... осмондан тушган эмас-ку! Улар ҳам, мамлакатимиздаги салоҳиятли қўрилишлар, Анджоннинг келинчақдай жозибали далал-лари ҳам инсон бармоқларидаги яратувчи-лик сеҳридан куч эмган. Шунинг учун ҳам у жозиб ва қўрмилди.

Анджонликларнинг сирини нимада? Улар ерининг тилини билади. Уни ардоқлайди, изланади. Ва энг мўҳими, қилаётган ишларидан кўнгиллари яйрайди.

4. ТОНГ НУРИ

Ўзбекистон ва Жанубий Корея мутахас-сислари ҳамкорликда ишга туширган «Ўз тонг хонг ко» қўшма корхонаси фаолият бош-лаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Кор-хона номи «Тонг нури» деган маънони анг-латади. Корхона Асакадаги «УДЭУавто» иш-лаб чиқараётган автомобилларга ўриндик



аниқ белгиланган вақтда ўтқа-зиляпти. Халқ депутатлари вило-ят кенгаши сессиясида юрт-бошимиз шу хилдаги қўшма корхоналар фаолияти тўғрисида халқ ҳўжалигига жалб этилган чет эл инвестицияларининг ҳажми 300 миллион доллар-дан ошиб кетганини таъкид-лади. 1996 йилда қўшма кор-хоналар ишлаб чиқарган маҳсулот 11 миллиард сўмлик миқдорга етди. Аммо бу ан-джонликлар учун чегара эмас. Нетаки, мавжуд 82 та қўшма корхонанинг фақат 20 тасида тайёр маҳсулот ишлаб

чиқарилмоқда. Демак, анджонча омиликорлик-нинг ишга солинмаган жиҳатлари ҳали кўп.

5. БОШҚАЛАР ҲАВАС ҚИЛСА ҲАМ...

Вилоятда замонавий ўқув муассасалари таш-кил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозир 24 та гимназия, 34 та лицей ишлаб турибди. Натижалар ёмон эмас: лицейларни битирган ёшларнинг аксарияти олий ўқув юртиларида ўқиниш давом эттиришмоқда. Шаҳрихондаги 22-лицей ўқувчилари биринчи йилик тест синов-ларидан тўлиқ ўтиб, олий ўқув юртига киришга муваффақ бўлишди.

Вилоятда халқ таълими соҳасида анча-мунча ишлар қилинган. Ёш авлодга табиий фанлардан аъло даражада сабоқ берган мусулман Бобур но-мидаги мукофотга сазовор бўлади. Иجتимоий фанлар соҳасида намуна бўлганлар эса Ноҳиди номидаги мукофот билан тақдирланади. Бундай мукофотни қўлаб келтириш мумкин. Бу -- э-тибор, бу -- меҳнатга рағбат. Табиийки, у изсиз кетмайди.

-- Яқинда Бишкек шаҳрида халқ таълими хо-димидаги илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди, -- дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўра Халилов. -- Ҳамдўстлик мамлакатларидан юзлаб ҳамкасблар келишди. Биз уларга ёш авлод соғлом ва барка-мол бўлиш деярли муҳим қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилдик, шунда ҳамкасблар бизга ҳавас ва ҳайрат билан қараб қолдишди. Ҳозир улар илгари эришган даражаларини сақлаб қолиш ҳаракатида. Биз эса...

Рост, таълим тизимида хайрли ишлар қилин-ган. Лекин давр янги ва янги муаммоларни ил-гари сураётир. Тўққизинчи синфини битирган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган болалар Анджонда ҳам оз эмас, ўн етти мингта. Уларнинг тақрирда лоқайд қараб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз илгари сурган таълим тизимини қайта ислоҳ қилишга жиддий киришиш лозим.

6. ЯНГИ ДАВР -- ЯНГИ ОДАМЛАР

Баян ўзининг хорижда юргандай ҳис этасан киши. Қараб турсанг, гуллаб ётган раис майдон-лари ҳам, молхона ҳам, соғувчи қизларнинг кий-имлари ҳам бошқача...

Бу мулк Низомиддин Мирзааҳмедовга тегиш-ли. Бир вақтлар у тўртта тикув машинаси олиб иш бошлаган. Бугун эса шаҳрихонлик бу йнгит сўт-товар фермасига, музқаймоқ ишлаб чиқариш цехига эга. Тикув цехини ҳам кенгайтирган -- шинама залда 28 та тикув дасттоҳи ишлаб туриб-ди.

-- Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деган гап тўғри, -- дейди Низомиддин. -- «Ким олинди»да фермага харидор бўлганимизда у атиги 368 бош ситирга эга эди, ҳозир улар 452 бошга етди. Бир ярим миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиди. 2 ярим миллион сўмлик техника сотиб олдик. Озуқабоп экинлардан ташқари ўн гектар ерга пахта ҳам экаямиз. Бултур салкам қирқ цент-нердан ҳосил олдик, бу йил 45 центнердан кам бўлмайди.

«Низом» ҳуеусий корхонасида ҳозир юзга яқин киши ишлайди. Улар кўркам гўзар қуришган, бог-роғлар барпо этишмоқда... Беихтиёр ўйлаб қоласиз: агар ҳар бир дехқон ерни шундай ардоқлаганда, вилоятларда иш шун-дай йўлга қўйилганида хирмонлар янада чўнг, қишлоқ ва шаҳарлар тароватли, дастурхонимиз янада тўкин бўлмасиди?!

Шу ўйлар билан қайтатуриб, Асакадаги «УДЭУавто» қўшма корхонасига кириб ўтдик. Бу энди завод эмас, чинакам санъат асари -- Анджон мўъжизасининг кўркам тимсоли эди. Заводнинг дастлабки цехига ўрам-ўрам холи-да кириб келадиган металл секин-аста шакл-ша-мойил касб этди ва охири-оқибат кўзни қувон-тирадиган «Тикос», «Дамас», «Нексия» ҳолида ял-ял ёниб чиқиб кетди.

Кўчада улар камалақдай товланиб кўзни ола-ди. Кўнгилда ҳавас уйғотди бу. Шукр, дейсиз, шу кунларга етказгани учун ҳамду санолар бўлсин!

Яратиб туйғуси... Бу туйғу кўни кеча пайдо бўлгани йўқ. Ва-танга муҳаббат билан эгизак. Кимдир ниҳол эка-ди, кимдир уй қуради, кимдир шепъ ёзади. Шу тариқа ҳаёт яшарди. Янги ва янги хибоблар, кашфиётлар ва шаҳарлар барпо бўлади.

Бугун барчани ҳайратга солган мўъжиза эрта-га эскиради ва яна янги ишларга қўл ўрлатади. Зеро, бу туйғу ҳаётнинг абдийлигини таъмин-ловчи олий манбадир.

Ғаффор ҲОТАМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ.

ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

7 май кўни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иجتимоий масалалар, таълим, фан ва маданият мажмуининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди. Мах-лисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, тегишли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлиса инсон манфаатлари йилида меҳрибонлик уйлари ҳамда мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг ёнги дам оли-шини ташкил этиш бўйича мурувват ёрдами кўрсатиш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг бажарилиши, «Ўзбекис-тон -- Ватаним маним» республика кўшиқ байрамининг бори-ши, Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишон-лашга тайёрлик масалалари қўриб чиқилди.

Биринчи масала бўйича республика Касаба уюшмалари Феде-рацияси Кенгашининг раиси Х. Жамолов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Ўзбексадов» давлат акционерлик уюшмаси раи-сининг ўринбосари Б. Пенцов сўзга чиқиб, ўтган йилги мавсум умуман яхши ўтганини таъкидлашди. Юртбошимиз томони-дан инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 1997 йилда барча вилоятларда ёнги дам олиш даврига тайёрлик ҳар қачон-гидан ҳам эрта бошлаб юборилди. Тўрт юз мингга яқин бола ёнги таълимни турли дам олиш масканларида ўтказди. Айни вақтда оромгоҳларда озик-овқат таъминотини янада яхшилаш, таътил даврининг мазмунли ўтишида спортчи, ижодкор ва санъ-аткорлар ёрдамидан кенг фойдаланиш зарурлигига эътибор қара-тилди.

Республика кўшиқ байрамини юқори савияда ўтказиш масъ-улиятли вазифа. Шу бонс, вилоят ва вазирликлар саралаш босқичларида иштирок этётган қатнашчиларнинг радио-телеви-дене орқали чиқарилиши ташкил этиш, кўшиқ байрамининг оммавийлигини ошириш аниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Рес-публика Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Бастакорлар уюш-маси раиси Р. Абдуллаев, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва бошқалар ана шу ҳақида гапирдилар. Кўшиқ кўрик-танлови якуний босқичини ўтказишга ҳозирлик ишларини жаддалашти-риш, иждоий уюшмалар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучай-тириш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбек адабиётининг ёрқин намоёнаси, истиклолимиз кўйчи-си -- Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз миқёсда нишонланиши барчамиз учун қувонарли ҳолдир. Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақидаги қаро-рида турли ташкилот ва вазирликлар томонидан амалга ошири-лиши зарур ишлар аниқ белгиланган. Йилгилида Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шогўломов, адабиётшунос олим О. Шара-фуддинов ва бошқалар юбилейга тайёрликнинг бориши, амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳақида сўзлашди. Асо-сий тантаналар Анджон шаҳрида ўтказилиши бонс вилоят ҳоким-лиги ва мутасадди ташкилотларнинг бу борадаги вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Мажлиса қўрилган масалалар бугунги кўннинг долзарб вази-фаларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Уларни тўла-тўқис амалга ошириш учун барча алоқдор ташкилотлар, раҳбарлар бақамти иш олиб боришлари зарурлиги таъкидланди.

(ЎЗА).

ТАҲРИРИЯТ МЕҲМОНИ

Кеча «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятига Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги муваффақ ишлар ва-кили Йозеф Мачишак таширф бўюди. Ушбу нашрлар бош муҳаррири А. Усонов меҳмонга журналистлар жамоаси олдига турган муҳим вазифалар, иждоий режалар, шу билан бирга ўтиш даврининг мураккаб шароитида одамлар онгида янгица фирк-лашни шакллантиришда қаламкашларимизнинг тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди.

Уз навбатига жаноб Й. Мачишак Словакия таълимоти, телеви-дене ва радиосининг ҳозирги аҳволи ҳақида атрафили маълум-от бериб, бу борада алоқаларни ривожлантириш ҳар икки то-мон учун фойдали бўлишини қайд этди.


Ўз мухбиримиз.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРГА!

Акциядорлик тижорат бирлаштурув "ТУРОН" банки сизларнинг эътиборингизга муомаладаги АТББ "ТУРОН" векселларини муддатидан олдин тўловга қабул қилишини маълум қилади, ҳамда ушбу векселлар бўйича тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни олиш учун банкнинг қимматбаҳо қоғозлар депортаментига мурожаат қилишингизни сўрайди. 7000 11, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44-уй. Тел.: 44-25-97, 42-23-85.

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси лицензияли аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради. Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 15 майда бошланади. Манзил: Тошкент ш., Ниёзбек йули (Собиқ Урицкий кўчаси) 6. Тел.: 34-01-87, 35-72-51.

АНДЖОНЛИКЛАРНИНГ СИРИ



ча ўрнатилган, унда бригада бошлигининг, ҳай-ловчи ва сувчининг исми-шарифи, майдоннинг ҳажми, уруғлигининг нави ва у қайси кун экил-гани қайд этилган. Махсус дафтарда эса ерга қачон ишлов берилган, қанча маҳаллий, мине-рал ўнгит солинган, чигит қачон экилган, қачон сугорилган, қачон культивациядан чиқарилган -- барча-барчаси ёзиб борилад.

Бригадир Ғойибжон Қаюмов даласига «Армуғон» элита уруғидан эккан. 1 апрель кўни.

-- Уруғлики бориб Кумқўрғон туманидан олиб келдик, -- дейди у. -- Пуштага икки до-надан чигит қалаб чиқдик, сўнг плёнка бости-дик. Худо хоҳласа, 45 центнердан ҳосил ола-миз. Қолаверса, уруғлик ҳам етиштирамиз. Ҳозир дори солиб, учинчи марта ишлов беря-миз. -- У эгати калвайди-да, бир сиқим туп-роқ олади. Сиз унда дона-дона бўлиб турган маълумли ўнгитни кўрасиз. Ва ички бир ҳавас билан теварак-атрофга назар ташлайсиз. Наин-ки эгитлар, пушталар, ҳатто ариқ рошлари, ту-нинг остлари ҳам сугуриб-сидириб қўйилган-дай. Дилингиз орзиқадди, чунки биласиз -- ҳат-то айрим хонадонлар бунчалик саранжом-сариншта бўлмайди.

-- Ҳар беш кунда маош тарқатиб турибмиз, -- дейди Фозилжон ака. -- Бултур одамларга 1870 тонна дон улашдик. Заҳирада ҳозир ўттиз тонна ун, ўн тонна ўсимлик ёғи бор. Маошга қўшимча равишда бериб борамиз. Худонинг бер-ган байрамида совға-салом дегандай...

-- Аҳолингиз қанча? -- Ишлайдиганларнинг ўзи уч мингдан зиёд. Жами 13 минг.

Катта йўлнинг ёқасига узум экилган. Уч ки-лометр масофага чўзилган бу богдан ўтган йили тўққиз тонна ҳосил олинди. -- Бу йил эса 12 тоннадан зиёд узум оламиз, -- дейди Фозил-жон ака. -- Килосени 15 сўмдан сотсак ҳам 180 минг сўм бўлади.

-- Бизда ер тақчил, -- дейди бригадир Тўлқинжон Аҳмедов. -- Шунинг учун ҳам ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишимиз ке-рак.

Ҳўжалик галлакорлари Краснодар ўлкасида-ги ҳамкасблари билан изчил ҳамкорлик ўрна-тишган, билмаганларини бориб ўрганишди, уруғнинг сарасини олиб келишди. Бултур «Найнаво»ликлар салкам олтиш центнердан галла етиштиришди. Бу йил эса саксон гектар-га «Юна» (супер элита), 200 гектар ерга «Ски-финка», 380 гектарга эса «Спартанка» навидан экишди. Бугедай бошқоқлаб, эрта-индин Уроққа келаман деб турибди ҳозир.

-- Биз донини ўнничок октибрга қолдирмай экиб бўламиз, -- дейди Фозилжон ака. -- Чун-ки у совуқ тушганга қадар оёққа туриб, чайлаб олгани маъқул. Чилла кирган, дори берамиз. Кунлар олиб, муз эрий бошлагач, ўнгит ҳам ерга сингади. Баҳор келиши билан уруғ яна чайлайди.


-- Яъни? -- Яъни... -- Раис энгачиб бошқоқдан бугедай тупини кўчириб олди. -- Чайлаш бу -- кўпайиш дегани, қаранг, мана шу туп аслада бир дона уруғдан униб чиққан, йигирма учта бошқоқ туккан, ҳар қайсиесига 35 дан дон бор, жами 805 дона. Бу -- ҳосил 80 центнердан кам бўлмайди, дегани. Бугедайни ўриб бўлишимиз билан ўрнига шони экамиз, агар ўттиз цент-нердан ҳосил кўтарсак ҳам, бу озмуна даро-мад бўлмайди.

тайёрлайди. Аниқ маромдаги конвейер ҳаракати иш-лаб чиқариш технологиясига қандай риоя қилинаётганини яққол акс эттириб турибди. Ҳар бир юмуш сифатли ва ўз вақтида бажа-риллапти, зеро, бирор жойда узилиш бўлса, тасири нафақат бу ерда, балки 14 километр нарида жойлашган «УДЭУавто» қўшма кор-хонасида ҳам акс-сало беради. Ана шу масъ-улият ҳар бир ишчини юмушларни бениқсон удалашга ундайди. Ҳозир корхонада 378 на-фар киши меҳнат қилаётир.

-- Узим Асака туманидаги Ахтачи қишлоғида яшайман, -- дейди пайвандлов-чи робот оператори Иномиддин Абдуразоқов. -- Илгари дурадзорлик қилардим. Заводга тақлим қилишганидан сўнг Жанубий Кореяга бориб иш ўргандим. Мана бу ақлида дасттоҳларни бошқаришдан бир олам завқ олам.

Иномиддиннинг қарашларидан хотиржа-ликни сезиш мумкин. Бунга сабаб -- замо-навий касб эгаллаган. Ишдан кўнгли тўқ. Шунинг учун ҳам келажакка у ишонч билан қарайди. Ҳолбуки, уч-тўрт йил аввал бир кун келиб шундай корхонада ишлаши мум-кинлигини у ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Бугун мажкур корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг ўртача ёши 24 да. Улар касбу қирини қай даражада удалаётир?

Жанубий Кореядаги «Тонг-конг элект-рик» корхонаси президенти Жи Ён Дек жа-нобларининг айтишича, юртимиздан ташқари Малайзия ва Ҳиндистондан ҳам иш ўрга-



нишга боришар экан. Йигитларимиз бошқаларга нисбатан тиришқоқ эканлигини намоён этишибди. Ҳатто, амалий тақлифлар киритиб мукофотга сазовор бўлишди.

Корхонада ишни жаҳон андозалари дара-жасига олиб чиқиш учун муттасил изланиш давом этмоқда. Шу кеча-қундузда 80 нафар мутахассис Жанубий Кореяда иш ўрганмоқда. Яқин келажакда ишчилар сони 450 тага ета-ди ва йилга 200 минг дона ўриндик ишлаб чиқарилади. Ҳозир яна бир янги йўналиш яратиб юзасидан иш олиб борилмақда -- Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси самолёт ўриндиқлари ишлаб чиқаришларини сўраган.

Яна бир янгилик: эрта-индин буюртмачи корхона билан модел алоқа йўлга қўйилди. Натрижада исталган буюртма икки соат ичида ҳосил этилиши таъминланади. Қувонари то-мони шундаки, корхоналар ўртасида узаро ҳисоб-китоб изчил йўлга қўйилган, тўловлар



Усоналони ота, -- шундан қирқ минг тупи бир ярим килограмдан ҳосил болса ҳам 60 тонна бўлади. Бозорда қарам ҳозир олти-миш сўм. Биз уни йигирма сўмдан сотган тақдиримизда ҳам 1 миллион 200 минг сўм даромад қиламиз.

-- Кўчатта кетган сарф-ҳаражат-чи? -- Ҳар йили кўчат харид қилиш учун икки миллион сўм сарфлар эдик, бу йил у ҳам ёнга қолди, ўзимиз етиштирдик. Ҳатто ортиқча кўчатни сотишдан 600 минг сўм фойда ҳам кўрдик.

Оқсоқолнинг ҳис

ОЛТИН ТАСОДИФ

ҚОВУН ЭККАНИ... АМЕРИКАГА

Гулистонлик Исмат Анорбоев Тошкент аэропортида кабоб еб ўтириб танишини учратиб қолди. «Йўл бўлсин, биродар, бу ерда ўтирибсиз?» «Америкага учаямман -- у ерда ҳам қовун экмочиман...» «Йўг-е, нима, америкаликлар қовун экишни билмас эканми? Ҳазиллашайтган бўлсангиз керагов...» Исмат Анорбоев аввал қўлидаги чиптани, сўнг деворга суяб қўйилган бир қоп уруғни кўрсатди...



...Ўтган йилнинг ёзида Исмат ака пойтахт бозорига қовун сотиб ўтирарди. Шунда ёнига бир неча ажнабйи келиб ундан қовун харид қилди. Меҳмонлар эртасига ҳам, индинига ҳам ташриф буюришди. Қизиги шундаки, улар Исмат ака айтган нархни савдолашмай тўлаб кетишарди. Бир неча кундан кейин улар яна бозорга келишиб Исмат аканинг ёнида нималарнидир узоқ гаплашиб қолдилар. «Бир гап бўлдиёв. Ё кеча олган қовунлари ёмонроқ чиқдимикин? Тилочининг аралашувидан кейин қовунчининг шубҳалари тарқаб кетди. «Бу одамлар Америкадан келишган. Сизнинг қовунларингизга кўнгиллари суст кетибди. Уларни қаерда ва қандай етиштирганингизни сўрашапти. Ана шунда Исмат ака Мирзачўлдан эканлигини, қовунни қандай парвартишларини гапириб берди. «Амаки, меҳмонлар даласини бир кўрсатсин, рози қиламиз дейишапти...» Қайси ўзбек меҳмоннинг гапини иккита қилган? Океан ортидан келганлар Мирзачўлда бўлиб, Исмат аканинг даласини обдон кўздан кечиришди. Бир кун уйда меҳмон ҳам бўдилар. Қовун сайлию зиёфат америкаликларнинг лўнда тақлифи билан яқун топди. «Хўп десангиз сизни Америкага олиб кетамиз. Ойига 3 минг доллар ҳақ оласиз. Тўғри, бизда ҳам қовун етиштиришди. Бироқ улар сизнинг қовунларингиздай мазада эмас. Бориш-келиш харажатларингиз-у, у ердаги уй-жойнинг ҳаммаси бизнинг бўйнимизда. Хўш, нима дейсиз?»

Кенгаши тўй тарқамас, дейишган. Исмат Анорбоев бола-чақаси, кўнгил ет-рлари билан тақлифни муҳокама

қилди. «Э, Исматбой, одамлар Американи томоша қилиш учун ёнларидан жаражарақ пул тўлашди. Сен бунга меҳнатинг, хурматинг туфайли эришяпсан. Ўйлаб ўтирма» дейишди. Ростда, Америкада улуғ мамлакатда ўзбек қовунлари туп қуйиб, палак ёза нима маси ёмон? Мана Американинг «Кейс» фирмаси тракторлари Ўзбекистон дала-ларида қанчалик шуҳрат қозонди. Ўзбек қовунлари Американи забт этса нима бўлибди? Исмат Анорбоев уч шеригини олди-да Америкага жўнаб кетди. Яқинда океан ортидан уйига кўнгирак қилди. Қовунлар бир текис униб чиқибди. Ҳадемай, биринчи чопиқ бошлар экан. Бир вақтлар бизларга картошка, помидор келган юртга энди ўзбек қовуни борди. Энди ўзбек қовунларининг донги Америкада ҳам таралажак.

Ким билсин, яна бир неча ойдан сўнг Исмат Анорбоевдан қай бир америкалик «Мистер Анорбоев, айтгинчи, бу қовунларнинг ватани қаер?» деб сўраб қолар. Ана шунда юртдошимиз фахр билан «Қовунларнинг ватани Ўзбекистон» дея жавоб беради.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,
А. ХОНИМҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти.**

Хунармандлар шахри -- Марғилонда тарихи узоқ-узоқ даврларга бориб тақаладиган, нафақат мамлакатимизда, балки Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда ҳам номи машҳур маҳаллалар талайгина. Ана шу аҳиллик кўргони, тинчлик таянчи бўлган маҳаллалар орасида «Йўрмадўз» фуқаролар йиғини ўзига хос ўрин тутди.

Ўн мингдан зиёд аҳоли истиғомат қиладиган бу маҳаллани марғилонликлар туб маънодаги байнаҳмилаал ҳудуд, деб аташади. Чунки маҳалла ўрамида тожиқлар, яҳудийлар, қрим татарлар, қирғизлар, турклар, руслар ўзбек оилалари билан ака-ука, ёр-биродар бўлиб аҳлиноқ яшамоқда. Маҳалла ҳақида гап кетса, бу ҳудудни энгиллар маҳалласи ҳам, деб ҳам юртишади. Негаки, бу ерда 550 нафардан ортиқ олий маълумотли, 275 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган, 10 дан ортиқ касб эгалари меҳнат қилишмоқда.

Президентимиз ҳалқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг тарбиясида жамоатчилик ва маҳалланинг ролини ошириш масаласига тўхталиб, «15 ёшдан то 18 ёшгача бўлган давр -- инсон умрида энг нозик, энг мураккаб давр. Шу ёшда инсон онги, ҳукули ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг қомил инсон бўлиб етишмоғига ким қаролат бера олади?» -- дея алоҳида таъкидлади. Йўрмадўзликлар бу муҳим масаланинг амалий ишотини топишга бундан 2-3 йил аввал киришишган эди.

Айниқса, маҳаллада 9-

синфни битирган, лекин айрим сабабларга қўра, ўқишни давом эттира олмаётган ёшлар билан ишлашга эътибор берилган. Маҳалла кўмитаси қошида ёшлар, ўсмирларни ижтимоий ва

иқтисодий ҳимоя қилиш комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Бу комиссиянинг иш тартиби ва дастурининг ижроси доимо шаҳар ҳокимлиги эътиборида. Комиссия эса маҳалла ўрамидаги корхоналар, ташкилотлар билан мунтазам алоқада. Шу боис 1994 йилда бу жойларда бор-йўри 94 та ишчи ўрни жорий қилинган бўлса, ўтган йили ана шу кўрсаткич 398 тага етди. Шуниси қувончлики, иш билан таъминланган ёшларнинг ҳаммаси йўрмадўзликлар бўлиб, кечаги мактаб ўқувчилари-дир.

Маҳалла аҳли 14 та маслаҳатчи ва яна шунча дастурхончининг назорати остида иш юритади. Тадбирлар, маросимлар кенгаши, фаолларнинг руҳсатсиз ўтказиладими. Шунинг учун «Маҳалланинг энг оқила қизи», «Ҳаётга тайёрман, қизалоқ», «Келин бўлиш одоби», «Қўёв бўлиш одоби», «Қизлар, қизларжон» сингари қизи-

қарли тадбирлар, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйнапти. Ана шу ибратли тадбирларнинг натижасида оилавий келишмовчиликлар тўғрисидаги аризалар сони кескин қамайди, оила бўзилишларига мутлақо йўл қўйилмапти. Балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга узатишдек иллат эса барҳам топиб бормоқда.

Маҳалладаги Муқимий номи 19-ўрта мактаб мамлакатимиздаги энг кекса би-



сак, муболага бўлмади. Катта йўлнинг икки чети-

ламай юрган ўндан ортиқ ўсмирларни ёнига олди. Пичоқни уста Собиржон ака, Марғилон дўшдиўзларининг мураббийси Адолатхон опа, темирчи Тожимат ҳожо, шунингдек, бешикчи дурадгорлар, ошпазу қандолатчилар ҳам хунармандчиликка қайтадан ҳаёт бахш эттишмоқда.

Маҳаллада ўн икки нафар аср юзини кўрган ва ундан кўпроқ ёшга етган муборак отахон ва онахонлар бор. Уларнинг ҳаёти, фаолияти доимо ёшларга ўрнак бўлаётган бўлса, ўзлари ёшларнинг ёъозидадир.

Йўрмадўзликлар шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловларда бир неча бор ролиб чиқибган. Айниқса, маҳалла ёшларининг одоблиги, эътиборлиги шаҳарда ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилади. Ўтган йили бу ерда бирорта ҳам жиноят рўй бермаганини бунинг ёркин далилидир.

Йўрмадўзликлар келгусида ҳам маҳалла ишини янада фаолаштириш ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларни катта ҳаётга тайёрлаш, жиноятчилик ва қонунбузарликнинг олдини олиш борасида ташаббускорлик ва намуна кўрсатишларига шак-шубҳа йўқ.

**Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

ДАВЛАТ, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ТАРБИЯ ТАЯНЧИ

даги ўнаб устaxonа ва дўконлар юзлаб ёшларнинг хунар марказига айланган. Абдуваҳоб Абдураҳмонов оиласидаги 7 нафар фарзанднинг ҳаммаси эса олий маълумотли. Лекин улар авлодларининг анъанавий касблари, миллий хунармандчиликни ҳам бийойидек улдалаб келишяпти.

Сўнгги йилларда Йўрмадўзда тадбиркорлар сифи бирмунча кенгайди. Попоччи ва зардўзлик сулоласига асос солган 90 ёшли қоралаб қолган Қорияхон аянинг касб сирларини қизи Ҳабибахон, неваралари Мунаввархон, Муҳаддамхон, Манзураҳонлар давом эттиришяпти. Уларнинг асосий касблари эса ҳамширалик. Попоччиликни одатда ишдан сўнг, бўш вақтларида амалга оширишади. Ҳабибахон ая зар тикишдек ноёб хунарни маҳалладаги 30 дан зиёд қизларга, аёлларга ўргатган бўлса, унинг турмушу ўртоғи Муҳаммаджон ака мактабни битириб, ҳеч қаерда иш-

нада у ёқдан бу ёққа юриб: -- Ҳа, айтгандай, сиз чекар эдингиз шекилли, -- дедию папирос қутисини акамга тутди. Лекин акам «чекмайман» дегандек ишора қилди. -- Энди эсладим, чекмас эдингиз, -- деди ва давом этди -- Хўш, энди қачон кетмоқчисиз? -- деб сўради. -- Икки кундан кейин, -- деди акам. -- Эҳ-ҳе, яқинлашиб қолибди-да, намуна тез. Хўш, майли, ундай бўлса бутунлай бўшаб, келганингиздан кейин кўришиб, бемалол отамлашар эканмиз-да! -- деди ва ҳазил қилгандай бўлиб: -- Хали ҳам капитан унвонида юрибсизми? -- деб қўйди. Акам индамади. Биз Умарали Воҳидов билан хайрлашиб чиқдик. Гўё бўғилиб кетгандай, акамга билдирмай, ёқдамга галстугимни астагина ечиб, чўнтагимга солдим. Бироз жим бордик, кейин акамга юзландим: -- Умарали Воҳидов ўзи шу одамми? -- дедим. -- Ҳа, шу одам эди... -- деди у секингина. Кейин мен ҳеч нарса демадим. Акам ҳам уйга боргунга қадр чурқ этмади. Умарали Воҳидов кейинчилик қаерда ишлаганини билмайман, лекин шу даврлар ичида акам ўз дўсти ҳақида бирор марта ҳам оғиз очмади...

ҲАМКОРЛИК КЎРГАЗМАНИНГ ЎЗИДА БЮЎРТМА ОЛИШМОҚДА



Маълумки, республикада жадал кечаётган иқтисодий ислохотлар жароянида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тубдан қайта қуришга алоҳида ургу берилмоқда. Бу эса, соҳани замонавий машина ва механизмлар билан етарли таъминлашни тақозо этади. Шу боис, хорижий сармоядорларни жалб этиш орқали қишлоқ хўжалик машина-механизмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чоралари кўришмоқда. Масалан, АҚШнинг «Кейс-корпорейшн» фирмаси, Германиянинг «Ланг-Техник» корпорацияси мутахассислари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

Аммо, бу охириги манзил эмас. Қишлоқдаги ислохотларни янада жалаллаштириш учун янги-янги имкониятларни излаб топиш лозим. Шу мақсадда, айни кунларда пойтахтимиздаги «Агротайм» БС акционерлик жамиятида трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари кўрғазмаси ўтказилмоқда.

«Ўқиниш-ўқитиш» Давлат кўмитаси томонидан уюштирилган бу кўрғазмада республикамизнинг машина-саноатли саноати корхоналари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Россия каби давлатларнинг фирмалари ҳам ўз маҳсулотларини билан қатнашаётган.

Кўрғазмага машина-саноатли саноати корхоналари ва машина-трактор парклари раҳбарлари ҳамда деҳқон-фермер ва шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари тақсиф этилган. Айни кунларда республикамизнинг машина-саноатли саноати мутахассислари ўз корхоналарида ишлаб чиқариш имконияти бўлган барча турдаги машина ва механизмлар, уларнинг эҳтиёт қисмларини ҳамда агрегатларини етказиб бериш ва қайта тиклаш учун шу ернинг ўзида бююртмалар олишмоқда.

**Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар.**

ХОТИРА

ГАЛАБА КУНИ... Бу муборак айём ҳар биримизга учун муқаддас ва азиздир. Зеро, бу Галаба халқимизга қанчалик қимматга тўлиди. Не-не ўғлонларимиз фашизмга қарши жангга кетиб, қайтиб келишмади. Уруш етказган жароҳат ҳозирга қадар битгани йўқ.

Акам Маъруф Қориев урушдан олдин армияга жўнаган эди. Урушга қадр у республика қолхоз-совхоз театрида ишларди. Биринчи бор «Кетма жоним» деган қўшиғи пластинка бўлиб чиққанида, қанчалик қувончга тўлгани ҳамон кўз олдимда.

Уруш арафасида унинг Бессарабиядан ёзиб юборган хатлари, суратлари, шеърлари сақланиб қолган. Кейин қиёмат бошланиб кетди. Акам Европадаги кўп мамлакатларни озод этишда катнашган. Оғир йилларда ҳам унинг оташин, ватанпарварлик ҳислари билан тўлиб-тошган шеърлари республика газети ва журналларида босилиб турди, шеърлари қўшиқ бўлиб жаранглади. Айниқса, фронтдан ёзиб юборган «Онамга хат», «Тўрт томчи кўз ёши» ва бошқа шеърларида уруш йилларининг нафаси, садоқат, Ўзбекистонга муҳаббат ҳислари юксак эди.

Акамнинг фронтдан ёзган мактубида соғинчи фуфурди турарди мактуби. «ФРОНТДАН МАКТУБ!» Салом азиз Адажон!

Ассалом меҳрибон Онажон! Ушбу мактубни жанг майдонидан битмокдаман. Душман манфур, тиш-тирноғига чина қуролланган.

Дузда дегани шу бўлса керак. Эрта кеч бомбард остидадим, гўё ўлиш исқанжасига тушиб қолгандек. Осмонда «мессершмит»лар ҳеч тинчлик бермайдди. Оқопдан калламизни чиқарсақ, мерган ўқиға дучор бўламиз. Шаҳар бутунлай вайрон аҳволга келди. Аммо биз қаттиқ турибмиз. Яхши хабарлар ҳам келиб турибди. Яқинда уруш тарихида бўрилиш бўлади, деган гаплар бор. Сталинградга катта қучлар ташланар эмиш. Худо насиб этса, агар эсон-омон қолсак, ёруғ кунларни кўрармиз...

Сизларни соғиниб қолгучи ўғлингиз Маъруф.

1942 йил (декабрь). Уша иккинчи хатдан кейин келган ана бир мактуб:

«Анча вақтдан бери хат ёза олмаганим учун уэр. Хавотир олган бўлсаларингиз керак, иншоолло соғ-саломатман. Меҳрибон Онажон, азиз падари бузрукворим! Озорларим учун мени кечиргайсизлар, агар билсангизлар эди Сизларни қанчалик соғинганимни. азиз онажон, соғлиқларингиз яхшими? Сизларнинг олдингизда бир умр қарздорман, агар сийхат-саломат уйга

қайтиб борсам, меҳрингизга ўн баробар меҳр билан жавоб берсам деб орзу қиламан. Уруш курсин, мана қанча одамларнинг ёстигини қуритди. Бу бемани урушни ким бошлади ўзи? Нега уруш қилиш керак ахир, нега? Саво-

ин йўқотиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас. Жанг олдида икки дўст қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашардик, бир-биримизга сийхат-саломатлик, бид, галаба тилардик. Бир кун Умарали жангга кетиб, қай-

лимига жавоб тополмайман. Укам Мақсуд! Бир даста шеърлар юбордим. Радиога, Туроб Тўлага олиб бориб бер, агар илоҳи бўлса «Қизил Ўзбекистон»га ҳам берсин. «Қонли кунлар» романи устида ишламоқдаман. Бу ерда дўстим, шоир Незмат Тошпўлат билан биргамиз. Тошкентлик майор Махмуд Мусаев, Вали Умаров билан ҳам танишиб қолдик. Ажойиб йигитлар.

Ука, дўстим Саид Аҳмад қаерда, қўриб қолсанг, унга салом айти. Баҳодир ўғлим катта бўлаяптими, Наташа-чи? Дийдор кўришгунча хайр.

Салом билан Маъруф, 1943 йил январь.

Акамнинг фронт газеталарида босилган шеърлари, очерклари ҳақида ёзувчи ва журналист дўстлари Туроб Тўла, Тўғон Эрнazarов, Неймат Тошпўлатлар анчагача мақола ва эсдаликлар ёзишган.

Бугун мен қадрдон акам Маъруф Қориевнинг порлоқ хотираси учун бир воқеани сўзлаб бермоқчиман.

Уруш тугаган, акам таътилга келди. У зобит бўлганлиги учун ҳали армия сафидан бўшамаган эди. Галдан-гап чиқиб, менга фронтда бирга жанг қилган, неча бор ўлимга тик бориб бирга қон кечган, худди ака-укадек қадрдон бўлиб кетган бир дўсти ҳақида хижоқ қилиб берди: -- Мен Умарали Воҳидов (истиҳолага бориб вазири дўстининг асл исми-шарифини ўзгартириб олдим) билан биринчи бор фронт штабида қўришиб қолдим. Кейин у билан бир қисмда жанг қилишга тўғри келди. Жуда ажойиб, хушчақчақ йигит ўзи. Оғир дамлар эди. Урушнинг ўз қонуни бор, кунчи-кеча сопа-соғ юрган жангчини бир соатдан кей-



тмади. Мен хавотир олиб суриштириб кўрсам, Умарали энгил ярадор бўлиб, яқиндаги дала госпиталига тушиб қолибди. Уша кунийек госпиталга бордим, соғ эканлигини кўриб, ўзимда йўқ қувондим. Кейин ҳар кун бую вақт топиб, дўстимнинг хол-аҳолидан бир бор хабар олиб келардим. Умарали ҳар борганимда кўзига ёш олиб шунчалик соғ-саломат қолганлиги учун минг-минг шукр қиларди. Икки ҳафтадан кейин у тубалиб чиқди. Дўстимнинг соғ-саломат келганлиги учун ўша шaroитда бир амаллаб палов қилдик.

Қаттиқ қирғинларнинг бирисида Умарали яна оғир ярадор бўлди. Мен уни ўқ ёмғирлари остида жанг майдонидан не-не азоблар билан олиб чиқиб, кейин зудлик билан госпиталга жўнатдим. Шунда ҳам кўнглим бўлмағи орқасидан тезда ўзим ҳам етиб бордим, қарасам Умарали жарроҳ хонасида экан. Мени таниб: «Раҳмат, умрбод унутмайман Сизни», деди личирлаб, «Сизга ҳозир гапирши мумкин эмас, қувонинг, ҳаммаси жойида бўлади», дедим кўнглини кутариб.

Жарроҳ бир грузин аёли экан. Дўстимни соғ-саломат сақлаб қолишни ундан ёлвориб сўрадим. Аёл: «Қўп хавотир бўлманг, тубалиб кетади», деди мени ишонтариб.

Бу воқеа 1941 йилнинг қишида рўй берганди. Душман қанча талофат кўрса ҳам ҳужумни қучайтирмоқда, биз бир неча шахар ва қишлоқларни ташлаб орқага чекинмоқда эдик. Шу тўполон ичида госпитал ҳам бошқа жойга қўчиб Умарали Воҳидовни йўқотиб қўйдим. Кейин қанча қидирмай, суриштирмай уни тополмадим. Фақат 1944 йилнинг бошларида тошкентлик жанговар

йигит бўлгани учун меннинг имо-ишорамага эътибор қилмай, индамасдан бориб бую стўлга ўтирди. Мен ҳам акамнинг олдида одоб сақлаб, ёнига ўтирдим. Котиба «Нимага келдинглар», дегандек қарайверди. Кейин бориб: «Бу киши Умарали Воҳидовнинг фронтдош ўртоғи, илоҳи бўлса вазирига кириб айтсангиз», деб акамнинг исми ва фамилиясини ёздириб қўйдим.

Котиба қиз ўша захотийек вазириг хонасига кириб кетди ва тезда қайтиб чиқиб бизга: «Бироз сабр қилар экансизлар», деди. Бир неча дақиқа ўтгач, ичкиридан кўзойнакли басаवल бир киши чиқиб кетди. Кўнгирик чалинди. Котиба ён дафтarchасини кўтарганича кирди-ю, орқасига қайтиб чиқиб, «киринглар» деб, бизга ишора айлади. Булажак учрашувини ўйлаб, юрагим гулгў ура бошлади.

Ниҳоят, биз мана, вазириг хонасидадим. Умарали Воҳидов бир қўлида буюш гўшакни ушлаб, иккинчи гўшакда ким биландир гаплашаётган эди. Билан кўриши билан саломлашиб, имо билан олдиндаги ўриндиқни кўрсатди. Гапнинг чўзилиб кетаётгани учун гўё биздан ҳижолат тортаётгандек туюлди менга. Кейин Умарали ака телефонни қўйиб, ух тортиди-ю, акамга юзланди: -- Соғ-саломат бормисиз, дўстим, энди бутунлай қайтингизми? -- сўради сизсизра.

-- Хали бўшаганимга йўқ, ҳозирча таътилга келдим. -- Ия, уруш тугади-ку ахир, келавермайсизми энди!

-- Тугаса ҳам нима қиламиз, хизмат ҳар биримизнинг бурчимиз! -- Оббо сиз-ей, дўстим-ей, -- деб ўрнидан туриб папирос тутатди ва хо-

«ХАВАС» — АЖОЙИБ МУСОБАҚА

КУЧЛИ САККИЗЛИК АНИҚЛАНДИ



«ДИНАМО» ТЕННИС МАЖМУИДАН РЕПОРТАЖ

Турнир ўтказилаётган теннис мажмуида келган киши бу ерда мусобақанинг юқори уюшқоқлик билан ўтказилиши учун бир қатор тadbирлар кўрилганлигини дарҳол сезади. Хусусан, теннис мажмуининг марказий кортлари янги қоплама...



Когон тумани ҳокими Ж. Ҳакимов ҳам Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулагановдан маълумият учради. Бешинчи гуруҳ баҳсларида эса ғолиб барча рақобатдошларидан ажралиб ўтувчи бўлди. Бундан 5-6 йил илгари спорт майдонлари ҳам...

муйойба билан ўтди. Унда Самарқанд вилояти ҳокими-нинг қўли баланд келди. Чорак финалнинг қолган икки қатнашчиси эса Наманган вилояти ҳокими Т. Жаббаров ва унинг ўринбосари И. Наҳиддинов бўлишди. Умуман олганда Наманган вилоятининг турнирда қатнашаётган тўрт қатнашчидан уч нафари чорак финалга йўланма олиб, кучли саккизликка кирди.

МАЙДОНГА ТУШГАН ЮТУҚНИ КЎЗЛАЙДИ

Абдуллоҳ БҮРИЕВ, Денов шахри ҳокими:

«Хавас» турнирининг мамлакат биринчилиги ҳам бошланди. Шундай катта мусобақада иштирок этиш мента ҳам насиб қилганидан хурсандман. Зотан, бундан 5-6 йил илгари спорт майдонлари ҳам...

Шаҳарда 2 та теннис майдони бор ва у доим одамлар билан гажам. Чунки майдонга тушаётган талабгорлар тобора кўпайиб бормоқда.

Шаҳримиз марказида катта ўйингоҳ бор. Тонг отгандан кун ботгунча бу ерда одам аримайди. Эрталаб ўзим ҳам ўйингоҳга чиқаман. Мен майдонга тушганимдан сўнг ўринбосарларим ҳам...

Суҳбатдош: Т. РАЗЗОК, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАВАС» -- ОММАВИЙЛИК КАЛИТИ

Э. ЮСУПОВ, турнир иштирокчиси, Урганч шаҳар ҳокими: -- Теннис билан шуғулланганлар ҳеч вақт ютқизишмайди. У аввалданбор эгизлик, чаққонлик, жиёмоний бардамлик манбаи.

Кўрбошимиз жаҳон миқёсида оммалашган теннисни элимизга ҳам кенг ёйиш борасида катта гамхўрликлар қилётганлигини ана шундан биламиз.

Теннисни астойдил қизиққан, ихлос қўйган, чинакам мухлиси бўлган кишиларгина ривожлантира олади. Қизиқиш ва меҳр қўйиш учун эса мухлис бўлишининг ўзи kiffo эмас.

Шаҳсан ўзимга келсак яқин-яқинларгача тенниснинг оддий мухлиси эдим. Бир йилдан буён теннис ракеткаси ҳаминча ёнида. Президентимиз давлати билан ўтказилган қатор халқаро ва республика турнирлари барча қатори меннинг ҳам эътиборимни тортди, яқинда эса вилоят миқёсида ўтказилган турнирда иштирок этдим.

Турнирда бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Натижда шахримиздаги теннис кортлари сони қисқа фурсатда 25 тага етди. «Урганчтрансгаз» давлат корхонаси ва «Жанубгазури-лиштрести» ҳиммати эвазига бунёд этилган спорт қошоналари булар ичидан энг йирикларидир. Улар ҳозир мингларча урганчликларнинг севимли масканига айланган.

Бундан қизиқиб тобора ортаёпти. Яқинда халқаро андозларга мос келадиган жами еттига кортдан иборат марказий теннис мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. Унда бутун йил давомида машқ қилиш учун барча шароитлар яратилади. Бундан ташқари, теннис йуриқчиларини тайёрлаш курслари ҳам очилди. Манжуд кортларда ёшлар секциялари иш бошлади.

Суҳбатдош: А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯХШИ ХОТИРА ҚОЛМИШ

Қуни кеча Тошкент давлат университети маданият саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Карим Солиқов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди.

Карим Солиқов Урта Осиё Давлат университетининг тарих факультетини муваффақиятли тугатган, аспирантурада таҳсил олди. Номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаб, турли лавозимларида ишлади.

Унинг охирига қалар ТошДУ табиий факультетлар фалсафа кафедрасида мудирлик қилди. Қатор мақолалар, китоблар ёлди. Кўпгина фан номзодлари ва докторлари олимнинг раҳбарлигида тайёрланди.

У бугунги талаба эртанги катта олим эканлигини доимо ҳис қилиб туради. Унинг маърузалари шу қалар жонли эдики, талабалар тинглашдан зериқмасдилар.

Кўча ёки мактаблардан бери унинг номи берилиши ҳақидаги таклиф қўлаб-қуватланди.

Ўткир ҲАЙДАРОВ, ТошДУ профессори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг деярли ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазири-фалсафа бажарувчиси У. Раҳматовга отаси.

Раҳмат УЗОҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Унинг вафоти билан қўриқчилик вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Беруний номи Тошкент давлат техника университети раҳбарини қон-геологик факультети доценти Бахтиёр Тошмухамедовга отаси.

Маъракат ҲУЛОМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий сўди жамоаси Олий суд масъул ҳодими Б. В. Қудратхўсеновга отаси.

Маъракатнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий сўди жамоаси судья Санлиқурол Абдулқадир ўқаси.

Норвот АБДУЛОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Эркаклар бақувват бўлиши керак




Шаҳар дорихоналарига широкат қилини.



МСБЕ ЖЕЛАДУ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Маълумки, XII Тошкент халқаро кинофестивалида кўплаб хоржий давлатлар кино усталари томонидан суратга олинган янги фильмлар намойиш этилиши мўлжалланаяпти. Тақдим этиладиган барча фильмлар фестивалнинг бош шiori -- «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» гоясига мос бўлиши, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.



Қамама КАМОЛОВА: -- Мен Туркияга борган чоғимда у ерда XVI Истамбул халқаро кинофестивали бўлиб ўтаётган экан. Бу эса турк кинофильмларини кўздан кечириб, улардан баъзиларини танлаб олишимда жуда кўл келди. Умуман айтганда, турк киноижодкорлари бугунги кунда жуда самарали ижод қилишаяпти.

Мен кўплаб турк кинофильмлари билан танишдим. Ва уларнинг баъзиларини Тошкент халқаро кинофестивали танлов ҳайъати эътиборига ҳавола этиш учун саралаб олдим. Хусусан, конкурслар тарзда намойиш учун ёш режиссёр Дарвеш Зайнинг илк суратга олган фильми, режиссёр Мезит Учаканнинг «Улмас ка-

га Тошкент халқаро кинофестивали фахрий меҳмони сифатида ташриф буюришини сўраб, махсус таклифномами топишдим. У киши, гарчи Тошкент анжумани Канн халқаро кинофестивали билан дээрли бир вақтда бўлиб ўтиши туйғайли бизнинг фестивалда тўлиқ иштирок эта олмасда-да, лекин ўша кунлари вақт топиб, юртимизга келиб-кейтишга ваъда берди. Шу чоғ Альфонс Бриссон Будапештга -- «УНИФРАНСА» Президентини мсье Шарпонга кўнгироқ қилиб, Тошкентга олиб бориш учун бир неча фильмлар саралашини илтимос қилди.

Эртаси кун Патрик Бруни бизни Париждаги кинотеатрлардан бирига таклиф этди. Бу ерда унинг Канн халқаро кинофестивалида намойиш этилган иккита қисқа метражли фильмини кўздан кечирдик. Улардан бири бокс бўйича собиқ жаҳон чемпионининг ҳаётига бағишланган. Ушбу фильм ўзининг оригиналиги ва модернистик ечимлари билан менда чуқур таассурот қолдирди. Картина оққора тасвирда суратга олинган, бироқ ниҳоятда жонли, график жиҳатдан раван ишланган. Ҳозир мазкур фильм бутун Францияда маълум-машҳур. Улайимки, унинг Тошкент кинофестивалида намойиш этилиши ўзбек кинематографларини ва мурдлар учун ҳам айни мулдао бўлади.

Франция сафари чоғида мен Халқаро кинопродюсерлар уюшмаси президентини Мсье Альфонс Бриссон-



ранфилдерлар», Кемал Шаннинг «Али», Раис Челкиннинг «Чироқ ўчирилмайди» фильмлари танланди. Режиссёр Омар Ковурнинг «Сирли шах», Шахин Гукнинг «Бечора севишганлар», Явуз Турғулнинг «Арвоҳ рақос» фильмлари эса Тошкент анжуманида ахборот тарзида намойиш этилиши мўлжалланаяпти. Уларнинг барчаси томошабинларни

чуқур мушоҳадага ундайди ва ўз навабига уларнинг кўнглидан жой олади, деб уйлайман.

Шухрат АББОСОВ. -- Франция сафари чоғида мен Париждаги «Юильри» паркига ташриф буюрдим. У ерда брезентдан тайёрланган мўъжазгина павильон кўзга ташланиб туради. Ичкарисига кирганимизда бўлақак фильмнинг техник ускуналар билан жиҳозлан-

Франция сафари чоғида мен Халқаро кинопродюсерлар уюшмаси президентини Мсье Альфонс Бриссон-

ДИҚҚАТ ЯНГИЛИК! ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ХЎЖАЛИКЛАР ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА!

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Республика халқ банки ва Халқаро жамғармаси ажратган бир дона «ДА-МАС» автомашинаси шу жамоага ютуқлардан ташқари совға сифатида БЕПУЛ инъом этилади. Бунда халқ банкига пул кўчириш йўли билан харид қилинган «Инсон манфаатлари учун» лотореясининг миқдори бир миллион сўмликдан кам бўлмаслиги шарт.



ЖАМОА РАҲБАРЛАРИ, ВАҚТ ФАНИМАТ, «ДАМАС»НИ ҚЎЛГА КИРИТИШГА ШОШИЛИНГ!

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бўлимлар: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Хукуқ ва қонунчилик 36-37-85; Кишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Ўзлонлар 36-09-25. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОҲОВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йулдошев. Навбатчи — О. Туракулов. Мусахҳах — А. Худойкулов.

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г. — 0298. 40.290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Босишга топириш вақти — 21.00. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топирилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6